

НАМУНА

1. Қарз олувчининг қискача тавсифи.
2. Лойиханинг асосий мақсади ва йўналиши.
3. Бозор ҳолатининг тахлили.
4. Ишлаб чиқариш режаси.
5. Ташкилий режа.
6. Молиявий режа.

1. ҚАРЗ ОЛУВЧИНИНГ ҚИСКАЧА ТАЪРИФИ.

Урганч туманидаги “_____” Хусусий корхонаси Урганч туман Хокимининг 20__ йил _____ № ____ – сонли қарори билан рўйхатдан ўтказилган.

Корхона ўзининг тасдиқланган Низоми асосида кўйидаги фаолият турларини амалга оширади:

- *Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва сотиш (цемент, охак, бурчатка, темир бетон, сокольний блок, пиширилган ва охакли гишт, черепица ва бошқалар)*
- *Чакана савдо;*
- *Умумий овқатланишни ташкил қилиш (ресторан, бар, кафе, оиҳона ва чойхона, балиқхона);*
- *Компьютер, ксерокопия, факс, сканер хизмати курсатиш;*
- *Суюлтирилган ва сикилган газ сотиш;*
- *Автомобилларга ёқилги қўйиш шахобчаларини ташкил қилиш, ЁММни қайта ишлаш ва сотиш;*
- *Нон ва нон маҳсулотлари, кандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш;*
- *Умумий қурилиш, таъмирлаш, дурадгорчилик, сантехника, пайвандлаш, тоқорлик, электрогаз, жихозлаш, безак бериш ишларини бажариш;*

Корхона раҳбари _____

Паспорт серияси: _____ йилда томонидан берилган.

Корхона манзилгоҳи: Урганч тумани.

Банк реквизитлари:

Хоразм вилояти Урганч туманидаги “_____” Хусусий корхонаси ҳисоб рақами «Микрокредит банк» Урганч шаҳар бўлимида очилган

Ҳисоб рақами : _____

ИНН : _____

МФО : _____

2. Лойиҳанинг асосий мақсади ва йўналиши.

Корхона белгиланган фаолият турига асосланиб, ҳар хил турдаги мих маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича халқимизга арзон ва сифатли маҳсулотлар етказиб бериш ҳамда 2 нафар кишини иш билан таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу ишни амалга ошириш учун йилига 7 фоиз бўлган 12000,0 минг.сўм пул маблағини кредитга олиб ўзига тегишли бўлган бинода иш бошламоқчи.

Бу мақсадни амалга ошириш учун 17000,0 минг сўм атрофида маблағ сарфланиши кўзланмоқда. Лекин корхона ўзининг ҳозирги кундаги имкониятидан ҳамда Микрокредит банк томонидан яратилаётган шароитлардан келиб чиқиб, йилига 7 фоизли ставка бўйича 12000,0 минг сўм миқдоридagi кредит маблағини 2 йил муддатга олиш зарур деб ҳисобламоқда.

Корхона кредит маблағини олгандан кейин бинони маҳсулот ишлаб чиқаришга мослаштириб реконструкция қилишга киришади ҳамда зарур асбоб-ускуналар ва мосламаларни сотиб олади.

Қурилиш-таъмирлаш ишлари учун сарф харажатлар корхона хисобидан амалга оширилади.

3. Бозор ҳолатининг таҳлили

Хусусий корхонаси томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга бугунги кунда талаб жуда катта, чунки бугунги кунда вилоятимизда катта қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Масалан, туманларда қолаверса Урганч шаҳарида ҳам янги колледжлар, эски мактабларни реконструкция қилиш ишлари, туманларнинг қишлоқ жойларида янги замонавий медицина пунктлари, туман (шаҳар) марказларида ҳам ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Республикамиз аҳолисининг кўпчилигини ёшлар ташкил қилганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ёш оилаларга катта эътибор қаратилмоқда. Шуларга асосан ҳозирда вилоятимизда ёш оилалар учун кўп қаватли домлар қурилиш ишлари деярли барча туман (шаҳар)ларда амалга оширилмоқда.

Шулар билан бир қаторда ёш оилаларга ўзларида мавжуд биноларни, яшаш жойларини реконструкция қилишга яъни капитал таъмирлашга ҳам республикамиз банклари томонидан кредит маблағлари ажратилмоқда.

Булардан қўшимча хусусий корхона жойлашган туманга энг яқин 3 та туманда (яъни Кушкупир, Хонка ва Янгиарик туманлари) миҳ маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари мавжудлиги, аҳоли ва идора ташкилотларнинг миҳ маҳсулотига бўлган талаби ва миҳ маҳсулотлари нархлари юзасидан ўрганиш ишлари олиб борилди.

Сўровнома натижаларига кўра бугунги кунда Кушкупир, Хонка ва Янгиарик туманларида миҳ маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд эмаслиги ўрганилиб, факатгина ушбу маҳсулотларни сотиш шаҳобчалари мавжудлиги вამ их маҳсулотлари нархлари (3-6 мм улчамдаги) 3000 сумдан, (7-9 мм улчамдаги) 2800 сўмдан сотилаётгани маълум бўлди.

Ушбу туманларнинг миҳ маҳсулотларига бўлган талабига келсак юқорида айтиб ўтилганидек ушбу туманларнинг барчасида ёш оилалар учун туман банклари томонидан ипотека кредити хисобига берилиши кўзда тутилган кўп қаватли домлар қурилиш ишлари яқин кунларда бошланиши режалаштирилган.

Булардан ташқари 3 та туманнинг ҳеч бирида 2009 йил 3 чораги давомида тадбиркорлик субъектлари ва бошқа ташкилотлар томонидан янги миҳ ишлаб чиқариш линияси туманларга олиб келинмаган.

Хусусуий корхона ушбу ўрганиш ишларига асосан Замонавий ва сифатли миҳ ишлаб чиқариш линиясини Урганч туманига олиб келиб сифатли миҳ маҳсулотини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш билан бир қаторда миҳ маҳсулоти нархини (3-6 мм улчамдаги) 2000 сўмдан, (7-9 мм улчамдаги) 1800 сумдан сотишни яъни бошқа корхоналарида мавжуд нархлардан 15-20 % арзон сотишни режалаштирган ва бозорда ўз ўрнини маҳсулотларнинг сифатини ошириш ва арзон нархларда сотиб топишни, бозорга киришни мақсад қилган.

4. Ишлаб чиқариш режаси.

Олинган кредит маблағи ҳисобига Мих маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускунаси сотиб олишни режалаштирган. Демак, корхона ушбу кўзланган мақсадни амалга оширишни кредит маблағини олгандан кейин йўлга қўяди.

Кредит маблағини лойиха бўйича сарфланиши йўналишлари:

| № | Олинган маблағни сарфланиш йўналишлари | Сони | Баҳоси, минг Сум | Сумма, минг сум |
|----|---|------|------------------|-----------------|
| 1. | 4115 маркали мих маҳсулоти ишлаб чиқариш ускунаси | 1 | 12000,0 | 12000,0 |
| 2. | Кредит маблағининг умумий миқдори | | | 12000,0 |
| 3. | Лойихада тадбиркорнинг янгидан кушадиган улуши | | | 5000,0 |
| | Лойиханинг умумий баҳоси: | | | 17000,0 |

ИЗОХ: *Ишлаб чиқариш учун кетадиган хом ашё маҳсулотларини сотиб олиш ва бошқа харажатларни ўз ҳисобидан амалга оширилади.*

5. Ташкилий режа.

Корхона банкдан олинган кредит маблағи ва унинг устама фоизларини кўрсатган хизматини сотишдан тушган фойда ҳисобидан қайтаришни кўзда тутган.

Корхонада шу давргача 2 та ишчи-хизматчи ишлаб келмоқда. Булар бошлиқ ва бош ҳисобчи (улар корхонанинг бошқа даромадлари ҳисобига иш ҳақи олишади). Корхона ўз олдида қўйган мақсади - лойихани амалга оширсан, корхонада кушимча 5 та ишчи ўрни яратилади.

Иш ҳақи фонди.

| № | | Ишчи ўрни | (минг сумда) | |
|--|-----------------------------------|-----------|--------------|---------------|
| | | | 1 ойда | 1 йилда |
| Бошқарув аппарати ходимлари | | | | |
| 1 | Раҳбар | 1 | 150,0 | 1800,0 |
| 2 | Ҳисобчи | 1 | 100,0 | 1200,0 |
| | Жами иш ҳақи | 2 | 250,0 | 3000,0 |
| 3 | Иш ҳақи жамгармасидан 24% ажратма | | 60,0 | 720,0 |
| - | Иш ҳақи учун жами харажат | | 310,0 | 3720,0 |
| Мих маҳсулотлари ишлаб чиқариш ишчи ходимлари | | | | |
| 4 | Ишчи ходимлар | 2 | 200,0 | 2400,0 |
| 5 | Иш ҳақидан ажратма 24 % | | 48,0 | 576,0 |
| - | Иш ҳақи учун жами харажат | | 248,0 | 2976,0 |
| | Жами иш ҳақи учун харажати | | 558,0 | 6696,0 |

6. Молиявий режа.

Корхона фаолияти давомида ишлаб чиқарилган махсулотни сотишдан тушган суммадан барча сарф харажатлар ва мажбурий тўловларни чегирганда қолган қисми унинг даромади ҳисобланади.

Ишлаб чиқарилган махсулотлар таннархи унга сарфланган хом-ашё, ишчи-хизматчилар маоши, амортизация, электр энергия, газ сарфи ва бошқа қутилмаган сарф харажатлардан шаклланади.

Ишлаб чиқариш режаси.

Ҳозирги кунда Урганч туманидаги “_____” хусусий корхонасида мавжуд маблағни ишлаб чиқаришга мослаштириш мақсадида ушбу бинони реконструкция қилиб, қайта таъмирлаш мақсад қилиб қўйилган. Бу мақсад корхона ҳисобидан амалга оширилади. Корхона ўзининг имкониятидан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш ҳажмини қуйидагича белгилайди:

ХИЗМАТ КўРСАТИШ ҲАЖМИ

(миқдор ҳисобида)

| № | Лойиха мақсади | Ўлчов бирлиги | 1 кунда | 1 Ойда* |
|---|-----------------------------------|---------------|---------|---------|
| 1 | 3-6 мм улчамдаги мих махсулотлари | кг | 100 | 2400 |
| 2 | 7-9 мм улчамдаги мих махсулотлари | кг | 100 | 2400 |

* Корхона ҳар ойда 24 кун аҳолига хизмат кўрсатади.

960 кг мих махсулоти (3-6 мм улчамдаги) ишлаб чиқаришга кетадиган хом ашё харажати

| № | Харажат номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Суммаси | Жами |
|---|--------------|---------------|-------|---------|-----------|
| 1 | Сим | кг | 1 000 | 1 450 | 1 450 000 |

Агар 960 кг мих махсулоти (3-6 мм улчамдаги) ишлаб чиқариш учун 1450000 сум хом-ашё харажат килинса;

1 кг мих махсулоти (3-6 мм улчамдаги) ишлаб чиқаришга
 $1450000 : 960 = 1 510$ сум харажат килинади.

970 кг мих махсулоти (7-9 мм улчамдаги) ишлаб чиқаришга кетадиган хом ашё харажати

| № | Харажат номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Суммаси | Жами |
|---|--------------|---------------|-------|---------|-----------|
| 1 | Сим | кг | 1 000 | 1 450 | 1 450 000 |

Агар 970 кг мих махсулоти (7-9 мм улчамдаги) ишлаб чиқариш учун 1450000 сум хом-ашё харажат килинса;

1 кг мих махсулоти (7-9 мм улчамдаги) ишлаб чиқаришга
 $1450000 : 970 = 1 495$ сум харажат килинади.

Амортизация

Кредит хисобига 12.000.000 сўмлик 4115 маркали Мих ишлаб чиқариш ускунаси сотиб олингандан кейин амортизация қуйидагича бўлади.

$12\ 000\ 000 : 5 = 2\ 400\ 000$ сўмни ташкил қилади 1 йилига.

$2\ 400\ 000 : 2 = 1\ 200\ 000$ сўмни ташкил қилади хар бир турдаги маҳсулот учун.

| (сўмда) | | | | | |
|---------|--------------|---------------|----------|---------|-----------|
| № | Харажат номи | Ўлчов бирлиги | 1 кунда | 1 ойда | 1 йилда |
| 1 | Амортизация | сўм | 41 666,7 | 100 000 | 1 200 000 |

Шунингдек, ишлаб чиқариш учқуналарини сақлаш, мойлаш, техник хизмат кўрсатиш, биноларни иситиш, ёритиш харажатлари ўзгармас харажатлар бўлиб, хисоблагич ва белгиланган нормативлар асосида хисобланади. Бу харажатлар йилига 2 880 000 сўмни ташкил қилади.

Бошқа харажатлар 3-6 мм улчамдаги мих маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун.

| (сўмда) | | | | | |
|---------|------------------|---------------|---------|---------|-----------|
| № | Харажат номи | Ўлчов бирлиги | 1 кунда | 1 ойда | 1 йилда |
| 1 | Бошқа харажатлар | сўм | 5 000 | 120 000 | 1 440 000 |

Бошқа харажатлар 7-9 мм улчамдаги мих маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун.

| (сўмда) | | | | | |
|---------|------------------|---------------|---------|---------|-----------|
| № | Харажат номи | Ўлчов бирлиги | 1 кунда | 1 ойда | 1 йилда |
| 1 | Бошқа харажатлар | сўм | 5 000 | 120 000 | 1 440 000 |

Бошқарув харажатлари

Бошқарув харажатлари 1 йилига 3 720 000 сўмни ташкил қилади.

1 йилига 3-6 мм улчамдаги ва 7-9 мм улчамдаги мих маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун бошқарув харажатлари қуйидагича бўлади:

$3\ 720\ 000 : 2 = 1\ 860\ 000$ сўмни ташкил қилади.

| (сўмда) | | | | | |
|---------|---------------------|---------------|---------|-----------|-----------|
| № | Харажат номи | Ўлчов бирлиги | 1 кунда | 1 ойда | 1 йилда |
| 1 | Бошқарув харажатлар | сўм | 4 722,2 | 113 333,3 | 1 360 000 |

3-6 мм улчамдаги мих маҳсулотлари ишлаб чиқариш таннари:

| № | Харажатлар | Ўлчов бирлиги | Ишлаб чиқариш бирлиги | 1 кунда | 1 ойда | 1 йилда |
|---|-------------------------|------------------|-----------------------------|----------|--------|---------|
| 1 | Хом ашё | сўм | 1510 | 151000 | 3624,0 | 43488,0 |
| 2 | Амартизация | сўм | 41,7 | 4166,7 | 100,0 | 1200,0 |
| 3 | Иш хақи | сўм | 41,7 | 4166,7 | 100,0 | 1200,0 |
| 4 | Иш хақидан ажратма 24 % | сўм | 10 | 1000 | 24,0 | 288,0 |
| 5 | Бошқа харажатлар | сўм | 50 | 5000 | 120,0 | 1440,0 |
| 6 | Бошқарув харажатлари | сўм | 23,6 | 2361,1 | 56,7 | 680,0 |
| 7 | Умумий харажат | | 1677 | 167694,4 | 4024,7 | 48296,0 |
| 8 | Сотиш бахоси | | 2000 | 200000 | 4800,0 | 57600,0 |
| 9 | Фойда | | 323 | 32305,6 | 775,3 | 9304,0 |

7-9 мм ўлчамдаги мих маҳсулотлари

ишлаб чиқариш таннари:

| № | Харажатлар | Ўлчов бирлиги | Ишлаб чиқариш бирлиги | 1 кунда | 1 ойда | 1 йилда |
|---|-------------------------|------------------|-----------------------------|----------|--------|---------|
| 1 | Хом ашё | сўм | 1495 | 149500 | 3588,0 | 43056,0 |
| 2 | Амартизация | сўм | 41,7 | 4166,7 | 100,0 | 1200,0 |
| 3 | Иш хақи | сўм | 41,7 | 4166,7 | 100,0 | 1200,0 |
| 4 | Иш хақидан ажратма 24 % | сўм | 10 | 1000 | 24,0 | 288,0 |
| 5 | Бошқа харажатлар | сўм | 50 | 5000 | 120,0 | 1440,0 |
| 6 | Бошқарув харажатлари | сўм | 23,6 | 2361,1 | 56,7 | 680,0 |
| 7 | Умумий харажат | | 1662 | 166194,4 | 3988,7 | 47864,0 |
| 8 | Сотиш бахоси | | 1800 | 180000 | 4320,0 | 51840,0 |
| 9 | Фойда | | 138 | 13805,6 | 331,3 | 3976,0 |

Корхонанинг 15000,0 минг сўм кредит маблағидан

2 йил муддатга фойдаланишининг молиявий натижаси

| № | Кўрсаткичлар | 1 йилда | 2 йилда | Жами (минг сўмда) |
|---|--------------------------------|------------|------------|-------------------------|
| 1 | Маҳсулот ишлаб чиқариш таннари | 96160,0 | 96160,0 | 192320,0 |
| 2 | Маҳсулот сотишдан тушум | 109440,0 | 109440,0 | 218880,0 |
| 3 | Ялпи даромад | 13280,0 | 13280,0 | 26560,0 |
| 4 | Ялпи даромаддан 8 % | 1062,4 | 1062,4 | 2124,8 |
| 5 | Кредитни фоиз қайтарилиши | 781,7 | 303,3 | 1085 |
| 6 | Кредитни қайтарилиши | 4000,2 | 8000,4 | 12000,6 |
| 9 | Соф фойда | 7435,7 | 3913,9 | 11349,6 |

Шундай қилиб, Устама хақи йилига 7 % бўлган 12000,0 минг сўм кредит маблағидан 2 йил муддатга фойдаланиш натижасида корхонага 11349,6 минг сўм соф фойда олиб келади. Хусусий корхона бу маблағдан корхонанинг кейинги фаолиятини ривожлантириш учун фойдаланади.

2 йил муддатга олинган 12000,0 минг сўм

кредит маблағининг қайтарилиши

ГРАФИГИ.

| Ойлар | Ой бошига колдик | 1 ойлик даромад | Кредит суммаси колдиги | Кредит асосий суммаси кайтарилиши | Кредит фоизи кайтарилиши | Жами тулов | Ой охирига колдик |
|-------|------------------|-----------------|------------------------|-----------------------------------|--------------------------|------------|-------------------|
| 1 | 0,0 | 1018,1 | 12000,0 | 0,0 | 70,0 | 70,0 | 948,1 |
| 2 | 948,1 | 1018,1 | 12000,0 | 0,0 | 70,0 | 70,0 | 1896,3 |
| 3 | 1896,3 | 1018,1 | 12000,0 | 0,0 | 70,0 | 70,0 | 2844,4 |
| 4 | 2844,4 | 1018,1 | 12000,0 | 0,0 | 70,0 | 70,0 | 3792,5 |
| 5 | 3792,5 | 1018,1 | 12000,0 | 0,0 | 70,0 | 70,0 | 4740,7 |
| 6 | 4740,7 | 1018,1 | 12000,0 | 0,0 | 70,0 | 70,0 | 5688,8 |
| 7 | 5688,8 | 1018,1 | 12000,0 | 666,7 | 70,0 | 736,7 | 5970,2 |
| 8 | 5970,2 | 1018,1 | 11333,3 | 666,7 | 66,1 | 732,8 | 6255,6 |
| 9 | 6255,6 | 1018,1 | 10666,6 | 666,7 | 62,2 | 728,9 | 6544,8 |
| 10 | 6544,8 | 1018,1 | 9999,9 | 666,7 | 58,3 | 725,0 | 6837,9 |
| 11 | 6837,9 | 1018,1 | 9333,2 | 666,7 | 54,4 | 721,1 | 7134,9 |
| 12 | 7134,9 | 1018,1 | 8666,5 | 666,7 | 50,6 | 717,3 | 7435,7 |
| 13 | 7435,7 | 1018,1 | 7999,8 | 666,7 | 46,7 | 713,4 | 7740,5 |
| 14 | 7740,5 | 1018,1 | 7333,1 | 666,7 | 42,8 | 709,5 | 8049,2 |
| 15 | 8049,2 | 1018,1 | 6666,4 | 666,7 | 38,9 | 705,6 | 8361,7 |
| 16 | 8361,7 | 1018,1 | 5999,7 | 666,7 | 35,0 | 701,7 | 8678,1 |
| 17 | 8678,1 | 1018,1 | 5333,0 | 666,7 | 31,1 | 697,8 | 8998,5 |
| 18 | 8998,5 | 1018,1 | 4666,3 | 666,7 | 27,2 | 693,9 | 9322,7 |
| 19 | 9322,7 | 1018,1 | 3999,6 | 666,7 | 23,3 | 690,0 | 9650,8 |
| 20 | 9650,8 | 1018,1 | 3332,9 | 666,7 | 19,4 | 686,1 | 9982,8 |
| 21 | 9982,8 | 1018,1 | 2666,2 | 666,7 | 15,6 | 682,3 | 10318,7 |
| 22 | 10318,7 | 1018,1 | 1999,5 | 666,7 | 11,7 | 678,4 | 10658,4 |
| 23 | 10658,4 | 1018,1 | 1332,8 | 666,7 | 7,8 | 674,5 | 11002,1 |
| 24 | 11002,1 | 1018,1 | 666,1 | 666,7 | 3,9 | 670,6 | 11349,6 |

«_____» хусусий
корхонаси рахбари
